

Муаммоларга креатив ечим

Талабаларнинг онгу шуури ва тафаккурини кенгайтириш уларнинг илмий-амалий анжуманларда фаол иштироки билан белгиланади. Соҳага оид янгиликларни билишлари, давр талаб этган масалаларга ечим излашлари, ўзларининг инновацион ёндашувлари билан фаол қатнашишлари талабаларнинг креативлигини оширишга хизмат қилиши муқаррар. Шу мақсадда бугун институтимиз маъruzалар залида 22-апрель “Халқаро ер куни” муносабати билан “Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилишда инновацион ёндошувлар: муаммо ва креатив ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда “Давергеодезкадастр” қўмитаси раиси ўринбосари А.Маматов, ҳамда “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ бош директори Р.Тўраев, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, т.ф.д. Т.З.Султонов, “Ер ресурсларини бошқариш” факультети декани Ш. Нарбаев ва факультет жамоаси ва талаба-ёшлар иштирок этишиди. Ҳафта давомида “Ер - умумий бойлик, уни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир” шиори остида худди шу мавзуда талабалар орасида мунозаралар ва инновацион ишланмалар ва фото суратлар танлови, ҳамда “Ер - умумий бойлик” мавзусида интеллектуал ўйин каби дастурли танловлар ўтказилди. Мазкур тадбирда танловларда фаол қатнашган талабаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиб талабалар ҳомийларимиз томонидан эсдалик учун планшет, телефон, китоблар диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.



**ЕРБ факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувини Ҳ.Эшова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**